

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТИ - АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ
ИМКОНИАТИДИР**

Ш.Э.Юлдашев-ҚМШИ, магистрант

Республикада амалга оширилаётган аграр ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг шакллари ўзгариб, янгидан-янги шакллари пайдо бўлди - деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу қишлоқ хўжалик корхоналарида мулкка бўлган муносабат туфайли дастлабки ижобий натижаларга эришилганлигини ҳисобга олганда, ўзини оқлади. Республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар жараёни давом этмоқда. Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда ниҳоясига етказилди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарали шакли эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Охириги йилларда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил давоми сифатида фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш бўйича амалий ишлар қилинди. Чунки фермер хўжаликларини ташкил этишнинг дастлабки босқичларида ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги сабаб уларнинг тўла қувват билан ривожланиш имконини бермаслигини таҳлиллар кўрсатиб берди.

Хусусан, бугунги кунга келиб, Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликлари 29364 тадан 9038 тагача камайтирилди ва битта фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 95 гектарни ташкил этади.

**Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер
хўжаликлари таркиби**

1-жадвал

№	Фермер хўжаликларининг ихтисослашган соҳалари	Сони
1.	Пахтачилик ва ғаллачилик	7148
2.	Сабзавотчилик ва полизчилик	270
3.	Боғдорчилик ва узумчилик	1247
4.	Чорвачилик	305
5.	Бошқа соҳалар	68
	Жами фермер хўжаликлари	9038

Ўтган 2008 йилда Республика бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99,1 фоизи, ғалланинг эса 79,2 фоизи фермер хўжаликларида етиштириб берилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси янгидан барпо этилди. Бунини қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлайдиган 200 дан ортиқ агрофирмалар фаолиятида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида тайёрланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳиссаси салкам 94 фоизни ташкил этади. Бу эса фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий етиштирувчиларига айланганлигидан далолат беради. Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ, бу қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳали интенсив ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Аграр соҳа фаолияти ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан етарлича манбалар билан таъминланган, лекин уларнинг амалдаги ижросида сифат нуқтаи назардан олиб қаралганда бир қатор муаммоларни кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, албатта ер билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олганда, деҳқон ва фермер хўжаликлари ердан фойдаланишда баъзи муаммоларга дуч келишмоқда. Чунки бугунги кунда Республика бўйича суғориладиган ерларнинг деярли 8 фоизи мелиоратив ҳолати жиҳатидан қониқарли даражада эмас. Бунга ер ости сувларининг кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори эканлиги сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда салкам 330 минг гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиб бўлмаганлиги учун яроқсиз ҳисобланади. Бу ҳолат бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш, тупроқ шўрларини ювиш;
- ер ости сувларини пастга қараб қочириш;
- ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш;
- қишлоқ хўжалик экинларини минтақа иқлимига мос ҳолда экишни режалаштиришни такомиллаштириш;
- экинларни алмашлаб экиш усулини мунтазам қўллаш ва ҳоказо.

Мелиорация ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан бирга экологик вазифани ҳам ҳал этади. Тўғри, мелиорация тадбирлари кўп капитал маблағларни талаб қилади, бироқ у мелиорацияланадиган ерлар маҳсулдорлигининг йилдан-йилга ортиб бориши эвазига ўзини қоплайди. Бугунги кунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўп жиҳатдан 2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурини амалда бажариш билан боғлиқдир. Бунинг учун мелиорация иншоотларини барпо этиш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш каби ишларни амалга ошириш лозим. Бу ишларни амалга ошириш учун молиялаш манбаи сифатида 2007 йилда Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси асосий роль ўйнайди. Бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликларининг олдида турган муаммолар фақат шу эмас. Шартномавий муносабатлар, экин майдонлари самарадорлигини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигидаги инфратузилма объектлари билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжудки, бу муаммолар ечими қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, Республика аҳолисининг моддий фаровонлигини оширишнинг зарур шартларидан бири бу қишлоқ хўжалиги корхоналарини интенсив ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолиятини юксалтиришдир. Бу эса аҳоли даромадларининг ошишига ва турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади.